

**ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИННИГ ТАЪЛИМ
ТАРБИЯ СИФАТИНИ ОШИРИШДАГИ КОМПЕТЕНЦИЯСИ**

Наманган давлат университети

докторанти Ш.Турсунова

Технологик таълим йўналиши

талаабаси Сотиволдиева Г

Аннотация: Касбий – педагогик компетенцияга эга бўлишда ўз устида ишлаш, ўз- ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади. Ўз устида ишлаш – педагогнинг изчил равишда ўзининг касбий билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларни ривожлантириб бориш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этишdir.

Калит сўзлар: Технология, таълим, тарбия, компетенция, касбий компетенция, билим, кўникма, малака

Республикамиз таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар таълим-тарбия сифатининг юқори даражада бўлишини таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу йўналишда муваффақиятни белгиловчи асосий омиллардан бири – таълим муассасалари педагог кадрларининг замонавий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлиги ҳамда таълимнинг инновацион ахборот-дидактик шаклларидан қай даражада фойдалана олишлари ҳисобланади. Шу боис таълим соҳасидаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорлик уларнинг жаҳон таълим талаблари билан мослиги ва педагогларнинг меҳнат фаолиятларида ўзлаштирган компетенциялари қай даражада амалиётга тадбиқ қилинаётганлигига боғлиқ. Таълим-тарбиядаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорлик эса мазкур соҳага ижобий янгилик киритиш натижасида таъминланиб, педагогик инновацион жараён вужудга келмоқда.

ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ

Халқ таълимида педагогларнинг меҳнат фаолиятларида ўзлаштирган компетенциялардан фойдаланиши масаласи долзарб бўлмоқда.

“Компетенция” тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Шу сабабли компетенция “ноанъянавий вазиятлар, кутилмаган холларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотларданфойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда харакатланиш режасига эгалик” ни англатади.

Касбий компетенция, ижтимоий компетенция, махсус компетенция, психологик компетенция, методик компетенция, информацион компетенция, креатив компетенция, инновацион компетенция, коммуникатив компетенция, шахсий компетенция, технологик компетенция, экстремал компетенция турларига ажратамиз.

Касбий – педагогик компетенцияга эга бўлишда ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади. Ўз устида ишлаш – педагогнинг изчил равишда ўзининг касбий билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларни ривожлантириб бориш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиши. Ўз устида излаш қўйидагиларда кўринади:

- касбий билим, кўникма, малакани таомиллаштириб бориши;
- Фаолиятга танқидий ва ижодий ёндашиш;
- Касбий ва ижодий ҳамкорликка эришиш;
- Ишchanлик қобилятини ривожлантириш;
- Салбий одатларни бартараф этиб бориш;
- Ижобий сифатларни ўзлаштириш;

Педагогнинг мутахассис сифатида:

ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ

- аниқ мақсад, интилиш асосида педагогик жараённи такомиллаштириш;
- педагогик жараён самарадорлигини, ўзининг ишчанлик фаоллигини ошириш;
- изчил равища янгиланиб бораётган педагогик билимларни ўзлаштириш;
- илғор технология, метод ҳамда воситалардан хабардор бўлиш;
- фаолиятига фан – техниканинг сўнги янгиликларини самарали тадбиқ этиш чораларини излаш йўлида олиб борадиганамалий ҳаракати унинг ўз устида ишлашини ифодалайди.

Педагогларнинг ўз устиларида изчил, самарали ишлашлари ишлашларида фаолиятга лойихали ёндаша олишлари қўл келади. Уларнинг лойихали ёндашув асосида қўйидаги моделнишакллантира олишлари мақсадга мувофиқдир.

Педагогнинг касбий компетенциясига эга бўлишда ўзини таҳлил қила олиши ҳам аҳамиятли саналади. Ўзини ўзи таҳлил қилиш педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаётган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилишидир. Ўзини ўзи таҳлил қилиш орқали педагог ўзини ўзи объектив баҳолаш имкониятига эга бўлади. Зеро, педагогларнинг касбий компетенцияси сифатларига эга бўлишида уларнинг ўз – ўзини баҳолаш малакаларига эгалиги ҳам муҳимдир. Ўзини ўзи баҳолаш (ЎЎБ)- шахснинг ўз- ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериши. Ўзини ўзи баҳолаш субъект учун шахсий имкониятларни ҳисоб китоб қилиш, ўзига объектив баҳо бериш, ўзидан қониқиши таъминлайди. Ўз- ўзини баҳолаш шахснинг қобилятини ўз қучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиши зарур. Ўз- ўзини баҳолаш қийин, лекин шахсни бунга бевосита тайёрлаш мумкин. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби педагогнинг ҳам ўзини ўзи самарали баҳолай олишига бир қатор омиллар таъсир қўрсатади.

Хулоса қилиб, педагог энг аввало, муроҳазали, босик, ҳар қандай педагогик вазиятни тўғри баҳолай оладиган ҳамда мавжуд зиддиятларни бартараф этишнинг уддасидан чиқа олиши керак. Мулоқот жараёнида педагогнинг сўзларидан сухбатдошига нисбатан хайриҳоҳлик, самимийлик, дўстона муносабат, яхши кайфият сезилиб туриши зарур. Ҳозирги шароитда жамиятнинг педагоглик касбига нисбатан қўяётган талаблари кун сайин ортиб бормоқда ва бу талабларни амалда тўғри ташкил қилиш вазифаси педагогга боғлиқ. Ижодий фаолият олиб борувчи педагог фақатгина таълим оловчиларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбиялаш, илгор педагоглар иш тажрибаларини ўрганиш билангина чекланиб қолмасдан, тадқиқотчилик кўникма ва малакаларига ҳам эга бўлиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1.М.Пардаева, О.Мусулмонқурова, А.Қўшмонов”Ўқувчиларнинг таълим-тарбиясидаги муҳит: муаммо ва ечим”, методик қўлланма, Тошкент, 2015 йил
- 2.Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. –Т.: ТДПУ, 2004.
- 3.Толипов Ў.Қ. Педагогик технология асослари. – Т.: “Мактаб ва ҳаёт” журналига илова, 11(035)-нашр, 2003.